



2015 yil "17" fevral № 60

Farg'ona shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 11 февралдаги 20-сонли қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарорига мувофиқ ҳамда алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик юзасидан назоратни янада кучайтириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги "Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида"ги 20-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 11 февралдаги "Алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига янги намунадаги акциз маркаларини жорий этиш тўғрисида"ги 20-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан 2015 йил 1 апрелидан бошлаб алкоголли маҳсулотларга ва тамаки маҳсулотларига дизайнни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва "Давлат белгиси" давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, ҳимоянинг кўшимча даражаларига эга бўлган янги намунадаги акциз маркалари жорий этилганлиги инобатта олинсин.

3. Белгилансинки, эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган ҳамда улгуржи ва чакана савдо тармогидаги алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари янги намунадаги акциз маркалари жорий этилган кундан бошлаб тўққиз ой ўттач маркаланмаган деб ҳисобланади ва белгиланган тартибда олиб қўйилади.

4. Давлат солиқ бошқармаси (А.Тешабоев) ва Божхона бошқармаси (Б.Нематов) 2016 йил 1 январдан бошлаб эски намунадаги акциз маркалари билан маркаланган алкоголли

маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари олиб кирилиши, ишлаб чиқарилиши ҳамда уларнинг улгуржи ва чакана савдо тармоғида сотилишини аниқлаш ҳамда олдини олиш, шунингдек ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда олиб қўйиш чора-тадбирларини кўрсинар.

5. Божхона бошқармаси (Б.Нематов) янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотларини импорт қилувчилар эътиборига етказсин.

6. Давлат солиқ бошқармаси (А.Тешабоев) шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисидаги зарур ахборотни алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва савдо корхоналари эътиборига етказсинлар.

7. Фаргона вилоят Телерадиокомпанияси (Н.Мўминов), “Фарғона ҳақиқати” ва “Ферганская правда” газетаси бирлашган таҳририяти (Н.Собиров) янги намунадаги акциз маркалари жорий этилиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали тушунтириш ишларини олиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари С.Қўчқоров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

Ш.Фаниев.